Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 6-sentabr, shanba № 111 (3460)

Агар миллат ўзининг келажагини ёруғ ҳолда кўрмоқчи бўлса, унинг хотираси ҳамиша уйғоқ бўлиши шарт.

Ислом КАРИМОВ

Ватан, она меҳри, тинчлик-тотувлик, ободлик, миллий ғурур, ҳурлик ва истиқбол... Замирида инсон бахти, фаровон турмуши, порлоқ келажаги мужассам бу муқаддас тушунчаларнинг барчаси бир қутлуғ масканда — Мустақиллик майдонида ўз ифодасини топган.

ЎзА сурати

Озодлик ва эзгулик майдони

Президентимиз Ислом Каримов фармонига биноан 1991 йил 5 сентябрда мамлакатимиз пойтахтининг бош майдонига МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИ номи берилган

Азим пойтахтимиздаги Мустақиллик майдони эл-юртимиз ҳаётида чуқур маъно-мазмунга эга. Бу улуғвор маскан аждодларимиз асрлар давомида орзиқиб кутган, бугунги бахтиёр авлодларга насиб этган энг улуғ, энг азиз неъмат бўлмиш истиқлолимиз рамзи. Ўз тақдирини ўз қўлига олиб, келажаги буюк давлат барпо этиш йўлида юксак марраларни забт этаётган азму шижоатли халқимиз қалбидаги эзгу ва беғубор орзулар ифодаси. Муаззам майдон юртдошларимиз, биринчи навбатда, навқирон авлодга мустақиллигимиз қандай буюк ва бебаҳо неъматлигини, уни кўз қорачиғидек асраш, бугунги тинч ва фаровон ҳаётни ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканини англатиб турадиган муқаддас даргоҳдир.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида пойтахтимизда изчиллик билан амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари самарасида Тошкентнинг қиёфаси тубдан ўзгарди. Миллий меъморлик ва замонавий архитектура анъаналарини ўзида мужассам этган муаззам майдонлар, сўлим боғлар, кенг ва равон йўллар, маҳобатли кўприклар, кўркам уй-жойлар, ижтимоий объектлар шаҳар кўркига кўрк бағишлади.

Давлатимиз раҳбари ғояси, ташаббуси ва раҳнамолигида Мустақиллик майдонида улкан қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, у яхлит меъморий ансамбл, ноёб мажмуа кўринишини олди. Бу ерда олиб борилган бунёдкорлик ишлари бош майдоннинг нафақат манзарасини, балки мазмун-моҳиятини ҳам тубдан ўзгартириб юборди.

Бугун Мустақиллик майдонининг кўрку таровати ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Бу ердаги доимо яшнаб турувчи дарахтлару турфа гуллар кўзни қувонтиради. Майин шабададан дарахтлар, ямяшил майсалар оҳиста тебранади. Кундузлари қуёш нурида, тунлари нурафшон чироқлар шуъласида жилоланувчи фавворалар майдон ҳавосини мўътадил сақлайди. Бу ерга келган одам ажиб сокинлиги, унинг замиридаги тинчлик ва осойишталикни янада теранроқ ҳис этади.

Бу ерда бугунги тинч ҳаёт, мусаффо осмон, тўкинлик ва фаровонликка қандай оғир синов ва машаққатлар эвазига эришганимиз хаёлдан ўтади. Собиқ мустабид тузум давридаги тилимиз, динимизга қилинган тажовузлар, улуғ аждодларимизнинг муқаддас хоклари оёқости қилинган, миллий ғуруримиз, инсонлик шаънимиз, урф-одатларимиз топталгани... Ота-боболаримиз қалбига алам ва азоб солган ўша машъум хотиралар ҳар биримизни мустақиллик аталмиш азиз неъматнинг, бугунги дориломон кунларнинг қадрига етишга чорлайди. Истиқлолнинг буюк моҳияти, саховатли заминимизда яшайдиган ватандошларимиз ҳаётида тутган ўрни, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда, онгу тафаккуримизда оламшумул ўзгаришлар сарчашмаси бўлганини янада теран англашга ундайди.

Мустақиллик майдонига муаззам Эзгулик арқаси орқали кириб борилади. Арка тепасидаги парвозга шайланаётган турналар халқимизнинг буюк орзу-мақсадларини рўёбга чиқариш йўлидаги интилишлари, қатъияти ва иродаси, оқ лайлаклар эса тинч ва осуда, фаровон ҳаётимиз тимсолидир. Арканинг баланд ва мустаҳкам устунлари мамлакатимиз ривожи учун пойдевор бўлаётган бақувват таянч асослар ифодаси. Бу остонадан ўтадиган ҳар бир инсон муқаддас даргоҳга қадам қўяётганини ҳис қилади.

(Давоми 2-саҳифада).

Касаба уюшмалари — болаларга

Мустақиллик йилларида болажонлар саломатлигини муҳофаза қилиш, баркамол авлод тарбияси масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Амалга оширилаётган тизимли ишлар бугун ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Бу борадаги ютуқларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилаётгани ҳам бежиз эмас.

Мазкур йўналишдаги ишларга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан қатор тадбирлар уюштириляпти. Хусусан, корхона, ташкилот ва муассасаларда жамоа шартномалари орқали ижтимоий ҳимояталаб оилалар фарзандларига ўқув қуроллари, дарсликлар харид қилинаётир. «Касаба уюшмалари — болаларга» доимий акцияси доирасида эса эртамиз эгалари ижтимоий ҳимояси таъминланиб, ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Мустақиллик байрами ва Билимлар кунига бағишлаб ўтказилаётган «Тозалик, озодалик — саломатлик гарови» тадбирларида республикамизнинг барча ҳудудларидаги умумтаълим мактабларининг 1-синфига қадам қўйган ўқувчилар ўртасида соғлом турмуш тарзи омиллари тарғиб этилиб, уларга шахсий гигиена воситалари тўплами ҳадя этилди.

ЭЪТИБОР СЕНГАДИР, БАХТИЁР АВЛОД!

«Тозалик, озодалик — саломатлик гарови» тадбирлари кўплаб болажонларнинг қувончига сабаб бўлди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Тошкент шаҳрининг Миробод, Сирғали, Учтепа, Юнусобод ва Яшнобод туманларидаги умумтаълим мактабларининг 1-синфига борган 785 ўқувчисига соғлом турмуш тарзи тарғиб этилиб, уларга касаба уюшмалари томонидан шахсий гигиена воситалари тўплами ҳамда эслатма материаллар ҳадя этилди. Шунингдек, атроф муҳит, кийим-кечакларни тоза ва озода ҳолда тутиш қоидалари борасида тушунтириш ишлари қизиқарли тарзда олиб борилди. Болажонлар эса меҳмонларга ўзлари ёд олган шеърларини завқ-шавққа тўлиб айтиб беришди.

— Бугун жуда кўп нарсани ўргандик. Мен ҳар куни тишларимни юваман, сочимни тарайман. Соғлом бўлсак, дарсларни яхши ўзлаштирамиз. Табиатни асраш кераклигини ҳам тушуниб етдик, — деди Учтепа тумани 14-умумтаълим мактаби 1-синф ўқувчиси Зиёда Жўрабоева.

***

Қорақалпоғистон Республикасида «Тозалик, озодалик — саломатлик гарови» тадбирлари кўтаринки руҳда ташкил этилди. «Соғлом бола йили» Давлат дастури асосида амалга оширилаётган эзгу ишлар Истиқлолимизнинг 23 йиллик шодиёнаси ва Билимлар кунига муносиб туҳфа бўлди.

— Қатор туманлардаги 42 та умумтаълим мактабида бошланғич синфга қадам қўйган болажонларга совғалар тайёрлаб қўйган эдик, — деди КУТБК масъул ходими Женгисбой Аяпов. — Саховат ишларини амалга ошириш учун фаолларимиз тўртта гуруҳга бўлиниб тадбирларда иштирок этишди.

Воҳанинг Амударё, Тахтакўпир, Кегейли, Беруний ва Шуманай туманларидаги умумтаълим мактабларининг биринчи синф ўқувчиларига совғалар улашилди. Келажагимиз давомчилари бўлмиш ўғил-қизларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши йўлидаги бу каби саъй-ҳаракатлар ўз натижасини бериши шубҳасиз.

***

«Тозалик, озодалик — саломатлик гарови» тадбирлари **Навоий вилоятид**аги болажонларга бир олам қувонч бахш этди.

Мактабга илк қадам қўйган ўқувчилар ўртасида санитария-гигиена қоидалари, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, атроф-муҳитни, кийим-кечакларни тоза ва озода тутиш, мутахассислар орқали болаларга турли юқумли касалликлар олдини олиш тўғрисида тарғибот ишлари олиб борилди. 785 нафар 1-синф ўқувчисига саломатлик-гигиеник воситалари жамланмалари тақдим этилди.

— Акцияни кўтаринки руҳда ўтказиш бўйича барча чора-тадбирларни кўриб қўйгандик. Болажонларни хушнуд қилиш учун махсус гуруҳлар йўлга отланишди, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Шуҳрат Халилов. — Бизнинг гуруҳга ЎзКУФК меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими бош мутахассиси Клара Шоюсупова ҳамроҳлик қилди. Навбаҳор туманидаги 13-, 18-, 32-мактабларда бўлганимизда ўғил-қизлар нигоҳидаги шодликни кўриб кўнглимиз чароғон бўлди.

***

Сирдарё вилоятида «Тозалик, озодалик — саломатлик гарови» тадбирлари юқори савияда ташкил этилди. Болажонларнинг доим озода ва тартибли бўлиши қанчалик зарурлиги интерфаол усул билан қизиқарли қилиб тушунтирилди. Мазкур акция тадбирида Оқолтин туманидаги 5-, 7-, 11-, 12-, 15-мактабларнинг 385 нафар ва Мирзаобод туманидаги 17-, 19-, 20-, 28-, 29-, 30-, 31-, 32-мактабларнинг 400 нафар 1-синф ўқувчилари қатнашди. Жажжи болажонлар меҳмонларга ўзлари ёд олган шеърларини айтиб беришди.

— Касал бўлмай соғлом юрсак, ҳар куни мактабга келамиз, ўқиш, ёзишни ўрганамиз, — дейди Мирзаобод тумани 17-мактаб 1-«Б» синф ўқувчиси Даврон Бердиқулов.

***

«Тозалик, озодалик — саломатлик гарови» акцияси сабаб **Наманган вилоятид**а 785 нафар болажоннинг кўнглига қувонч улашилди.

— Бу йил мактабимизнинг 1-синфига 31 нафар болажон ўқишга қабул қилинди, — дейди Поп туманидаги 33-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Лолахон Аҳмадқулова. — Куни кеча уларга Юртбошимизнинг меҳру ғамхўрлиги нишонаси бўлган «Президент совғаси» топширилганди. Бугун эса касаба уюшмаларининг озодаликка тарғиб қилувчи махсус совғалар тўплами уларнинг кўзларини шодликка буркамоқда. Акция доирасида уларга тозалик нафақат саломатлик гарови, балки кундалик эҳтиёжи эканлигини тушунтирдик.

— Устозларимиз бизга озода юришнинг фойдаларини тушунтириб беришди, — дейди совғаларни шодон ҳолда кўздан кечираркан 1-синф ўқувчиси Баҳодир Давлаталиев. — Озода бўлишимиз учун керакли воситаларни совға қилишди. Улардан қандай фойдаланиш, бу воситаларни ўзимизга ҳамиша дўст тутишимиз кераклигини билиб олдик. Энди ҳамиша бу маслаҳатларга амал қиламиз.

Таъкидлаб ўтамиз, акция вилоятнинг Поп, Косонсой, Янгиқўрғон, Учқўрғон туманларидаги 21 та умумтаълим мактабида ўтказилди.

***

Акция доирасидаги тадбирлар **Самарқанд вилоятид**а ҳам қизғин кечди. Жумладан, Ургут туманидаги барча мактабларда тозалик ва озодалик тарғиботи амалга оширилди, десак, муболаға эмас. Таълим, фан ва маданият ходимлари туман кенгаши акция доирасини кенгайтириш мақсадида ўқув даргоҳларида саломатликка оид учрашувлар, дарслар ташкил этилишига имкон яратганлигини эътироф этиш даркор. Туманнинг «Ипакли» маҳалласидаги 29-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган тадбирда ўқувчилар, ота-оналар, маҳалла фаоллари қатнашди.

(Давоми 2-саҳифада).

Эътироф

Ҳеч бир муболағага йўймай айтишимиз мумкинки, Хитойнинг Нанкин шаҳрида ниҳоясига етган иккинчи ўсмирлар олимпиадаси мамлакатимиз спорт довруғини янги поғонага олиб чиқди. Ўзбекистон шаънини ҳимоя қилган спортчилар сафида 2 нафар сирдарёлик ҳамюртимиз борлиги эса чўлқуварлар қалбига ҳам оламолам қувонч бахш этди.

БАЙРАМ БАЙРАМГА УЛАНИБ КЕТДИ

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамида нурчилар шаҳри — Ширинда катта тадбир ўтказилди. «Нурчи» тантаналар уйига ёшлар, шаҳар фаоллари, фахрийлар ва ота-оналар қатори касаба уюшма вакиллари жам бўлишди.

Тадбир иштирокчилари ўсмирларнинг нуфузли олимпиададаги иштироки Ўзбекистоннинг нафақат Марказий Осиёдаги, балки жаҳондаги обрўсини яна бир карра оширгани тўғрисида гапириб ўтишди. Тантана якунида жаҳон олимпиадасида қатнашган сирдарёлик ўсмирларга вилоят ҳокимлиги, ҳомийларнинг эсдалик совғалари ва дипломлари топширилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси номидан ўсмирларнинг оналари учун юборилган махсус совғани вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси К.Оқбўтаев тантанали равишда топширди.

Тадбирда вилоят ҳокими О.Ашурматов иштирок этди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

Иқтисодиёт

ИККИНЧИ БОСҚИЧ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли Қизилқум фосфорит мажмуасининг иккинчи босқичи ишга туширилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида мамлакатимизда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифати муттасил ошиб бормоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 апрелда қабул қилинган «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлаётир.

Умумий қиймати 59,9 миллион АҚШ долларилик сармоя эвазига Германиянинг «INGINEERING DOBERSEK GmHB» компанияси билан ҳамкорликда барпо этилган мажмуанинг иккинчи навбатида фосфорит рудасидан юқори сифатли қуйдирилган фосфорит концентратлари тайёрлаш ҳажми йилига 716 минг тоннага етказилади. Бу ишлаб чиқариш суръатини қарийб икки баробар ошириб, қўшимча 136 янги иш ўрни яратиш имконини беради.

— Мазкур лойиҳа комбинат тизимида олиб борилаётган улкан ўзгариш ва янгиланишларнинг яна бир амалий ифодаси бўлди, — дейди мажмуа бўлим бошлиғи Жасур Абдуллаев. — Замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхонада асосан ёшлар меҳнат қилмоқда. Ишлаб чиқариш жараёнларининг тўлиқ автоматлаштирилгани иш суръатининг ошишида муҳим омил бўлмоқда.

Н.РАҲИМОВ,
ЎзА мухбири

●Биз киммиз, қандай буюк зотларнинг, қандай буюк мероснинг ворисларимиз?!

Ватанга муҳаббат, келажакка ишонч

«Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида ташкил этилган «Мустақиллик дарслари» ўқувчилар қалбида Ватанга муҳаббат, буюк аждодлар даҳосига ҳурмат, келажакка ишонч туйғуларини янада жўш урдириб юборди.

Ушбу унутилмас тадбирда иштирок этганим, Муҳтарам Президентимизнинг Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзуидаги халқаро илмий конференциядаги маърузаси мазмун-моҳияти билан ёш авлодни яна бир карра таништирганим қалбимни қанчалик ғурур ва сурурга тўлдирганини ифодалашга тилим ожиз. Кўплаб илмий асарлар учун йўналиш берган ушбу маърузадан мисоллар келтирганимда, тингловчилар кўзларида порлаган нур орқали уларни чулғаб олган туйғулардан воқиф бўлар эканман, дарс асноси уларнинг онгу-шуурига сингдирилган билимлар улуғвор ишларга бошлашига ишончим ортди.

«Ўрта аср Шарқ тарихи шундан далолат берадики, маданият ва таълим-тарбия, тиббиёт, адабиёт, санъат ва архитектура соҳаларидаги беқиёс юксалиш, илмий мактабларнинг вужудга келиши, янги-янги истеъдодли авлодлар тўлқинининг пайдо бўлиши ва вояга етиши — буларнинг барчаси биринчи навбатда иқтисодиёт, қишлоқ ва шаҳар хўжалигининг анча жадал ўсиши, ҳунармандлик ва савдо-сотиқнинг юксак даражада ривожланиши, йўллар қурилиши, янги карвон йўлларининг очилиши ва авваламбор нисбий барқарорликнинг таъминланиши билан бевосита боғлиқ бўлган», дейилади маърузада. Дарҳақиқат, тарих билан яқиндан танишиш орқали кимларнинг авлодлари эканлигимизни, тарихий илдизларимизнинг нақадар теранлигини яна бир карра ҳис қилдик. Қолаверса, дунёга энг кўп даҳоларни бизнинг заминимиз етиштириб берганлигидан фахрланиш билан бир қаторда шуни англаб етдикки, аждодларимизнинг буюк мероси туфайлигина жаҳон илм-фани бугунги мақомга эга бўлиб турибди.

Биргина Хоразм Маъмун академияси фаолиятини таҳлил қилишнинг ўзи бунга кифоя қилади. Академия раҳбари Абу Райҳон Беруний илм-фанга беқиёс ҳисса қўшган буюк аллома. Замонавий тиббиётнинг отаси бўлмиш Абу Али ибн Сино «Тиб қонунлари» рисоласини шу мўътабар даргоҳда яратган. Қолаверса, Абул Хайр ибн Хаммор, Абу Сахл ал-Масиҳий, Абу Абуллоҳ Нотили Хоразмий, Муҳаммад Юсуф Хоразмий, Абу Малик ас-Солиҳ Хоразмий-Косий, Муҳаммад Юсуф Илоқий каби аждодларимиз илмнинг турли йўналишларида улкан бурилишлар ясаган олимлардир. Ал-Хоразмий, Аз-Замахшарий каби даҳоларнинг мероси ҳам бутун дунёга маълуму машҳур. Ваҳоланки, ўрта асрларда нафақат Хоразмда, балки Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларда ҳам илм-фан, адабиёт, архитектура мислсиз даражада ривожланган. Буюк аждодларимиз ёзган асарлар, битган ашъорларни мутолаа қилиб, улар бунёд этган иморатларга боқиб, буни яққол кўриб турибмиз.

Мустақиллик дарслари интерфаол усулда олиб борилди. Талаба ёшлар, ўқувчилар фаол иштирок этиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. «Биз шундай буюк инсонларнинг авлоди эканлигимиз, бебаҳо асарларни ўқиш, улардан фойдаланиш имконига эканлигимиз билан фахрланамиз. Боболаримиз оғир шароитларда яшаб, шу даражада улкан ютуқларни қўлга киритган экан, нега биз кенг имкониятлар даврида илм олиб, уларнинг муваффақиятларини мустаҳкамламаслигимиз, янада юқори поғоналарга олиб чиқмаслигимиз керак?» дея ўз-ўзларига берган саволлари, даъватлари, иштиёқларига ҳам ҳавасим келди, ҳам мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самара бера бошлаганини ич-ичимдан қувондим. Барча иштирокчилар, бундай имкониятлар фақат мустақиллик туфайлигина яратилганлигини эътироф қилдилар. Дарҳақиқат, мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида Президентимиз алоҳида таъкидлаб ўтганидек, мустақиллик, истиқлол деган улуғ неъмат аввало, халқимизга эркинлик ва озод ҳаётни берган, инсоний шаънимиз, миллий онгимиз, қадр-қимматимизни тиклаб, барчамизга ўзлигимизни англаш туйғусини, тилимиз, муқаддас динимизни, қадрият ва урф-одатларимизни қайтариб берган, Ватанимиз тарихида ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган буюк санадир.

Ҳа, бугуннинг ёшлари илм ўрганиш, ўз истеъдодини рўёбга чиқариш учун барча шарт-шароитга эга. Ўзимиз талаба бўлган, илмий изланишлар олиб борган даврлар билан бугунги шароитларни қиёслар эканман, яна такрор айтаман, ёшларга ҳавас қилмасликнинг иложи йўқ. Биз бирон зарур манбани топиш учун Россиядаги кутубхоналарга хат ёзардик, улар истаган китобимизни етказиб бериши учун ҳафталаб вақт кетарди. Боз устига, биз истаган китоб йўқ бўлиши ҳам мумкин эди. Ҳозир-чи, компютердаги битта тугмани босиш кифоя, истаган маълумотга эга бўласиз.

Муҳтарам Юртбошимиз ҳар доим фарзандларимиз биздан кўра кучли, доно ва албатта бахтли бўлишлари кераклигини таъкидлаб келадилар. Мустақиллик ҳавосидан баҳра олиб улғаяётган ёшлар чинакам бахт соҳибларидир. Бунга шак-шубҳа йўқ. Зеро, биздан кўра кучли, доно бўлиш нафақат шарт, балки улар зиммасидаги масъулият ҳамдир.

Озод АБДУЛЛАЕВ,
Урганч давлат университети кафедра мудири, доцент

Ishonch
2014-yil 6-sentabr № 111 (3460)

ЭЪТИБОР СЕНГАДИР, БАХТИЁР АВЛОД!

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Акбар Қодиров, Ургут туман ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Саодат Ҳакимовалар акциядан кўзланган мақсад хусусида йиғилганларга тушунча беришди. Шундан сўнг биринчи синфга қадам қўйган ўқувчилар билан саломатликка оид очиқ дарсларга киришилди.

Биринчи синф ўқувчиси Мадина Холиқулова ўзининг кундалик режими, тозалик-озодаликка эришиш борасида оиласида шаклланган муҳит ҳақида тенгдошларига равон сўзлаб берди. Шундан сўнг, ҳар бир болакайга аталган, касаба уюшмалари томонидан махсус тайёрланган саломатликни асрашда асқотадиган воситалар тортиқ қилинди.

Шу куни Ургут туманидаги мактабларда таҳсил олаётган 786 нафар ўқувчига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан махсус тайёрланган шахсий гигиена воситалари жамланмалари топширилди.

***

Хоразмлик болажонлар акция доирасидаги тадбирларни қувонч билан кутиб олишди.

11-умумтаълим мактаби Янгиариқнинг энг чекка қишлоқларидан бири Чиқирчида жойлашган. Бу йил 52 нафар ўқувчи мактабнинг биринчи синфига қабул қилинди. Улар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг совғаларини қабул қилишаркан, хурсандчиликларини дил сўзларида, шеърларда ифода қилишди, озода бўлишга, дарсликларни тоза сақлашга ваъда бердилар.

— Қаранглар, тўпламда гигиена қоидалари ёзилган. Тез орада ўқишни ўрганиб, ушбу қоидаларни ёд оласизлар ва доим амал қиласизлар, деган умиддамиз, — дея таъкидлади таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилоятидаги масъул ташкилотчиси Муяссар Раҳимова.

Тадбир асносида интерфаол усулда озодалик, шахсий гигиена қоидалари ҳақида савол-жавоблар ташкил қилинди. Ушбу жараёнда болалар ўз кўникмаларини намойиш қилишди.

Янгиариқ, Ҳазорасп туманидаги қатор мактабларда шундай тадбирлар ташкил этилди.

***

«Тозалик, озодалик — саломатлик гарови» тадбирлари **Тошкент вилояти**нинг Бекобод туманида ҳам бўлиб ўтди.

— Ушбу тадбир Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг қарорига биноан 2012 йилдан буён ўтказиб келинмоқда, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Рустам Турдиалиев. — Бугун тумандаги 9 та мактабда бўлиб, илк бор мактаб остонасига қадам қўйган фарзандларимиз билан учрашдик. Уларга тиббиёт ходимлари санитария-гигиена қоидалари, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ҳамда турли юқумли касалликларга чалинмаслик учун нималарга риоя қилиш юзасидан тушунчалар беришди.

Шу куни 785 нафар ўқувчига шахсий гигиенани сақлашга оид жамланмалар топширилди.

***

Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги мактабларда ушбу тадбир доирасида академик соатлар бўлиб ўтди. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари вакиллари иштирокида уюштирилган тадбирлар болажонлар учун жуда мароқли кечди.

— Кейинги йилларда эртамиз эгалари бўлмиш болажонларимизга бағишланган акцияларда касаба уюшма ташкилотлари вакилларининг иштироки самарали бўлмоқда, — дейди таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси А. Бобожонов. — Бола бошидан, дейди халқимиз. Бу тадбир биринчи галда болажонларга гигиеник қоидалар асосида тарбия топишни тарғиб этади. Қолаверса, бир соат ташкил этилган академик соатлардаги маърузалар бир умр уларнинг ёдида сақланиб қолади.

Тумандаги 10 та мактабда ташкил этилган акция доирасида 785 нафар биринчи синф ўқувчиларига касаба уюшма совғалари топширилди.

***

Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги олис Қорахони қишлоғида жойлашган 15-умумтаълим ўрта мактабида байрам шукуҳи ҳукм сурмоқда. Дастлаб Мустақиллик байрами, кейин эса Билимлар куни хурсандчилик билан нишонланган бўлса, эндиликда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан «Тозалик, озодалик — саломатлик гарови» шиори остида ўтказилган тадбир жаҳҳилар қувончига қувонч қўшди.

Шодиёнага касаба уюшма фаоллари ва халқ таълими соҳаси вакиллари ташриф буюришди. Тадбир доирасида илк марта мактабга ташриф буюрган 1-синф ўқувчиларини яхши хулқ, аъло ўқишга даъват этиш билан бирга, ўқувчиларга санитария-гигиена қоидалари, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, атроф-муҳитни, кийим-кечакларни тоза ва озода ҳолда тутиш хусусида тушунчалар берилди. Шундан сўнг мактабнинг 97 нафар 1-синф ўқувчиларига санитария-гигиена воситалари жамланмаси топширилди.

Вилоятнинг Вобкент, Ғиждувон, Пешку ва Бухоро туманларидаги мактабларининг 785 нафар ўқувчисига Федерация Кенгашининг эсдалик совғалари тантанали равишда топширилди.

***

Жиззах вилоятининг Арнасой, Зафаробод туманлари умумтаълим мактабларида мазкур акция доирасида тадбирлар бўлиб ўтди.

Илк бора мактабга қадам қўйган 1-синф ўқувчиларига санитария-гигиена қоидалари, соғлом турмуш тарзи, атроф-муҳит, жамоат жойлари, мактаб, синф хоналари, шахсий буюм, кийим-кечакларни тоза, озода тутиш қоидалари тўғрисида мутахассислар томонидан маслаҳатлар берилди.

— ЎзКУФКнинг болажонларга эсдалик совғалари (санитария-гигиеник пакетлар) билан мактабимизга илк бор қадам қўйган 42 нафар ўғил-қиз тақдирланди, — дейди Зафаробод туманидаги 10-мактаб директори Ўғилой Дўстова. — Дарс сифатида ўтказилган тадбир жараёнида тиббий ходим ва синф раҳбари томонидан тайёрланган махсус интерфаол дарси ўтказилиб, дарс жараёнида улар томонидан юқумли касалликларнинг олдини олиш борасида риоя қилиниши лозим бўлган санитария-гигиена қоидалари тарғиб этилди, савол-жавобли мулоқот ташкил қилинди. Касаба уюшмалари қатнашган тадбирдан ота-оналар беҳад мамнун бўлишди.

***

Қашқадарё вилоятида ҳам 785 нафардан ортиқ ўқувчига «Тозалик, озодалик — саломатлик гарови» тадбирлари доирасида шахсий гигиена воситалари тарқатилди. Жумладан, Миришкор туманидаги 2-, 9-, 12-, 31-, 37-ҳамда Касби туманида жойлашган 12-, 14-, 22-, 33-, 43-, 58-ўрта умумтаълим мактабларида ўтган учрашувлар чоғида болажонларга санитария-гигиена талаблари ва атроф-муҳит, жамоат жойлари, мактаб, синф хоналарини, шахсий буюм, кийим-кечакларни тоза тутиш қоидалари тушунтирилди. Тадбирлар давомида тозалик, озодаликнинг афзалликлари, унинг инсон саломатлигида тутган ўрни ҳақида турли саҳна кўринишлари, слайдлар намойиш этилди. Устозлар ҳамда тиббиёт ходимлари ёш авлод вакиллари билан ўйин-мулоқот усулларидан фойдаланган ҳолда атроф-муҳит мусаффолигини сақлашга ундовчи суҳбатлар ўтказишди.

Акция орқали келажак авлодимизнинг баркамол униб-ўсиши йўлида муҳим қадам ташланди. Уларнинг саломатлиги учун мустаҳкам пойдевор қўйилди.

***

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасидаги «Тозалик, озодалик — саломатлик гарови» тадбирлари **Сурхондарё вилояти**нинг Ангор, Шеробод, Узун ва Сариосиё туманларидаги мактабларда бўлиб ўтди.

1-синфга қабул қилинган 500 нафарга яқин ўқувчиларга санитария-гигиеник пакетли эсдалик совғалари тантанали равишда топширилиб, санитария-гигиена қоидалари, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, атроф-муҳитни, кийим-кечакларни тоза, озода ҳолда тутиш қоидалари ҳақида тушунтиришлар берилди. Тиббиёт бирлашмаларидан бириктирилган мутахассислар эса болаларга турли юқумли касалликлар ва унинг олдини олиш тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бордилар.

Федерация Кенгашининг совғаларидан барҳаманд бўлган болажонларнинг ота-оналари ўз миннатдорчиликларини билдиришди.

Ўз мухбирларимиз.
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

Озодлик ва эзгулик майдони

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2005 йил 28 декабрда Мустақиллик монументи олдида Бахтиёр она сиймоси ифода этилган муаззам ҳайкал қад ростлади. Бугунги тинч, осуда ҳаётимиз, порлоқ келажакка бўлган мустаҳкам ишончимиз акс этган, фарзандини бағрига босиб, унга термилиб турган Бахтиёр она сиймосида ҳар биримиз ўз онамизни, беғубор болалигимизни, баркамол авлодимизни кўргандек бўламиз. Мазкур мажмуа эркин демократик давлат, инсон манфаати ва ҳуқуқлари ҳар нарсадан устун турадиган фуқаролик жамияти барпо этилаётган мамлакатимизда аёл зотига бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиром ифодаси ҳамдир.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, ҳар қайси оилада гўзаллик ва нафосат, меҳр-муҳаббат тимсоли, хонадонларимиз осойишталигининг посбони бўлган, бир сўз билан айтганда, оилани оилага, жамиятимизни жамиятга айлантирадиган аёл зотига қанча тасаннолар айтсак, қанча таъзим этсак — барибир ўзимизни улар олдида доимо қарздор, деб ҳис қиламиз.

Мамлакатимиз бош майдонида қад ростлаган Бахтиёр она ҳайкали оила қўрғонининг ҳам чиройи, ҳам чароғбони бўлган аёл зотига кўрсатилаётган юксак эътибор ва эҳтиромнинг ифодасидир. Чунки инсоннинг маънавияти ва дунёқарашини шакллантирадиган мезонлар айнан она бағрида, оила муҳитида қуртак ёзади. Онани ардоқлаш, меҳр-муҳаббатига яраша эъзоз ва эътибор кўрсатиш дунёдаги энг эзгу амаллардандир.

Юртбошимиз ташаббуси билан 2014 йилга Соғлом бола йили, деб ном берилганидан асосий мақсад ҳам халқимизнинг барча орзу-ҳаваслари, ҳаётининг мазмуни бўлган соғлом ва баркамол фарзандлар тарбиясига, уни бағрида ардоқлаб, эзгу фазилатлар руҳида камолга етказадиган аёл зотини улуғлаш, соғлом ва аҳил оилани эъзозлашдир.

Майдоннинг кўркига кўрк қўшиб турган обидадаги зарҳал Ер шарида алоҳида ажралиб турган Ўзбекистон харитасини кўрган юртдошларимиз шуурида чексиз ғурур ва ифтихор туйғулари жўш уради. Ушбу тасвир Ватанимиз дунё ичра ягоналиги, унинг жаҳонда ўз ўрни, обрўси борлиги ва шуҳрати тобора юксалиб бораётганига ишорадир.

Халқимизнинг орзу-интилишларини теран ифода этган, ёшларимизнинг маънавий оламини эзгу ғоялар асосида шакллантириш ва камол топтиришга хизмат қилаётган мазкур мажмуага Юртбошимиз таклифига биноан Мустақиллик ва эзгулик монументи, деб ном берилди. Монумент ўз меъморий ечими, ғоявий-бадиий мазмуни билан Ўзбекистон танлаган йўлнинг таъсирчан ифодасига, асрий қадриятларимизнинг яққол намоёнига айланди.

Умумхалқ байрамлари ва тантанали маросимларда, спортчиларимизни халқаро мусобақаларга кузатиш чоғида ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументини зиёрат қилиш яхши анъанага айланган. Юртимизга ташриф буюрган хорижий давлатлар раҳбарлари, турли даражадаги делегациялар вакиллари ҳам давлатимизга бўлган ҳурматини ушбу монумент пойига гулчамбар қўйиш орқали ифода этади.

...Мустақиллик майдони эртаю кеч гавжум. Бахтиёрлик туйғусидан сармаст, қўлида гулдаста тутиб келаётган келинкуёвлар, шўх-шодон кичкинтойлар, қалби қайноқ навқирон йигит-қизлар, юзларидан нур ёғилиб турган отахон ва онахонларга боқиб, тинч-осуда, фаровон ҳаёт нечоғли азиз неъмат экани ҳақида мушоҳадага чўмасиз.

— Ёшлигим шу майдонга туташ Анҳор бўйларида ўтган, — дейди Шайхонтоҳур туманида истиқомат қилувчи Салимахон ая Ғаффорова. — Бу ҳудуднинг асосий қисми асфалт ва бетон билан қоплангани боис, ёзнинг жазирамасида нафас олиш оғирлашарди. Истиқлол йилларида бу ерда улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Яшил ҳудудлар кенгайтирилиб, каштан, қарағай, арча, эман, қайин каби ҳавони тозаловчи дарахтлар, турли бута ва гуллар экилди. Тунда ранг-баранг чироқлар ёғдусида жилоланадиган кўркам фавворалар атрофга жило бағишлаб турибди.

— Пойтахтимизга бундан беш йил аввал келган эдим, — дейди навоийлик фахрий педагог Бахриддин Расулов. — Шу қисқа вақт оралиғида Тошкент беқиёс даражада ўзгарибди. Гўзал бино ва иншоотлар, кўчаю хиёбонлар пойтахт чиройига чирой қўшибди. Айниқса, Мустақиллик майдонининг кўрку тароватини кўриб, юрагим ҳаяжонга тўлди. Юртбошимиз айтганидек, ҳеч кимдан кам эмаслигимизга, кам бўлмаслигимизга яна бир карра ишонч ҳосил қилдим.

— Ҳар сафар Мустақиллик майдонини зиёрат қилганимда бу қутлуғ масканнинг кўз илғамас, сирли жиҳатларини кашф этгандек бўламан, — дейди Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабаси Шаҳноза Аширова. — Бу ерда халқимизнинг ўлмас тарихи, бугуни ва ёруғ келажаги намоён. Шу ҳақда ўйлар эканман, Ўзбекистон аталмиш муқаддас диёр фарзанди эканимдан фахрланаман.

Мустақиллик майдони том маънода пойтахтимизнинг, юртимизнинг юрагига, тинч-осойишта, фаровон ҳаётимиз кўзгусига айланган. Майдонда сайр қилиб юрганлар орасида чет элликлар ҳам кўп.

— Бир неча йилдан бери Тошкентда яшайман, — дейди покистонлик тадбиркор Муҳаммад Ҳорун Чоудри. — Туризм соҳасида ишлаганим учун касбим тақозосига кўра дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлганман. Аммо ҳеч қаерда Ўзбекистондек жаннатмонанд юртни, ўзбеклар сингари бағрикенг халқни, Тошкентдек гўзал шаҳарни кўрмаганман. Айниқса, Мустақиллик майдонидаги ҳар бир иншоот ўзига хос чуқур рамзий маънога эгалиги билан ажралиб туради. Бу ердаги орасталик, файзу тароват ҳар доим меҳмонларни мафтун этиб келган.

Дарҳақиқат, ким билан суҳбатлашманг, ана шундай самимий, дилкаш фикрларни эшитасиз. Зеро, пойтахтимиз Тошкент маданият ва маърифатнинг қадимий бешикларидан бири, тинчлик ва дўстлик шаҳри сифатида бутун дунёга маълум ва машҳур.

Гўзал пойтахтимиз, унинг бош майдони — Мустақиллик майдони бетакрор қиёфаси, ҳаётбахш фалсафаси билан халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, буюк келажак сари катта умид ва ишонч билан интилиши ҳамда унинг қандай улуғвор ишларга қодир эканининг амалий ифодаси сифатида барчамизни шу буюк Ватанга садоқат билан хизмат қилишга даъват этаверади.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎзА мухбири

Бандлик

Жорий йилда Урганч туманида қатор меҳнат ярмаркалари ташкил этилди. Туман ҳокимлиги, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими, туман хотин-қизлар қўмитаси, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши ҳамда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва бандлигини таъминлаш бўлими ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбирларда 157 та корхона, ташкилот, муассаса, «Ҳунарманд» уюшмаси таркибидаги ташкилотлар ва касаначилар 1297 та бўш иш ўрни билан қатнашди.

ШАРТНОМА ҚЎЛ КЕЛДИ

Тадбирга ҳуқуқ-тартибот идоралари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари масъул ходимлари, тадбиркор ва фермерлар, битирувчи ёшлар ҳамда уларнинг ота-оналари таклиф этилди.

2013 — 2014 ўқув йилида тумандаги 8 та касб-ҳунар коллежини 1909 нафар ёш турли йўналишлар бўйича тугатди. Айтиш мумкинки, амалиёт ўташ ва кейинчалик ишга жойлашиш бўйича корхона ва ташкилотлар билан тузилган уч томонлама шартнома муаммо ечимида жуда қўл келди. Ҳозирга қадар битирувчиларнинг 1206 нафари ишга жойлаштирилди. Ёш мутахассисларни ишга жойлаштириш борасида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш давом этмоқда.

М.МАДАМИНОВА,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Урганч туман кенгаши раиси

МАХСУС БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИ

Самарқандда меҳнат миграцияси туфайли хорижда бўлиб қайтган фуқаролар, ҳарбийларнинг оила аъзолари ва аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлам вакиллари учун махсус бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил қилинди.

Самарқанд вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ҳамда қатор идоралар ҳамкорлигида ўтказилган ярмаркада 64 корхона ва ташкилот 800 га яқин бўш ва квота иш ўринлари билан қатнашди.

— Янги ишчиларни қабул қилишда асосан меҳнат ярмаркаларига мурожаат қилмоқдамиз, — дейди «Асл Нафис» масъулияти чекланган жамияти директори ўринбосари Қодир Сувонов. — Бугунги ярмаркада ҳам йигирмага яқин бўш иш ўрнини таклиф қилдик.

Меҳнат ярмаркасида кўпчилик қизиқиш ва лаёқатига кўра доимий иш жойига эга бўлди.

Суратда: меҳнат ярмаркасида.

ЎзА фотомухбири
Алишер ИСРОИЛОВ олган сурат

Нодавлат секторда

Навоийдаги «Дилмонд» ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Қамбар Наврўзов вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига қўнғироқ қилиб, ҳамкорликка чорлади. Унинг таклифи билан меҳнат жамоасида бошланғич касаба уюшма ташкилотини тузишга бағишланган йиғилиш чақирилди. Бирлашма мутасаддилари иштирок этган тадбирда касаба уюшма афзалликлари ҳақида кенг тушунча берилди.

ХАЙРЛИ НАТИЖА

Эътироф этиш лозимки, янги ташкил этилган нодавлат сектор корхоналарини жалб этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бераётир. Хусусан, «Раҳмат» кичик корхонаси, «XXI аср мўъжизаси», «Жавоҳир«, «Триумт Горняк» МЧЖ жамоаларида бошланғич касаба уюшма қўмитасини тузиш бўйича йиғилишлар ўтказилди.

Истиқлол шарофати билан ҳудудда янги-янги савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари ишга туширилаётир. Ходимлар манфаати эса доим эътиборда бўлиши лозим. Шу мақсадда давом эттирилаётган ҳамкорлик натижасида тармоғимиздаги аъзо ташкилотлар 192 тага етказилди. Уларда меҳнат қилаётган 11035 нафар ходим ўз манфаатларининг ҳимояда эканини ҳис этишмоқда.

Ҳамза ЭШОНҚУЛОВ,
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Навоий вилоятидаги масъул ташкилотчиси

2014 йил — Соғлом бола йили

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Шаҳрисабз туман кенгаши томонидан «Соғлом бола йили» Давлат дастурига асосан амалга оширилаётган ишларга назар солар эканмиз, бу ерда меҳнаткашларнинг ишончли ҳамкори ва кўмакдошига айланиш учун барча чора-тадбирлар амалга оширилаётганига амин бўлдик.

Давлат дастури амалда

Ёз мавсумида педагогларнинг 275 нафар фарзанди «Зиё чашмалари» ва Ваҳоб Бердиев номидаги оромгоҳда ҳордиқ чиқарди. Шунингдек, 10 нафар иқтидорли ўқувчи интеллектуал оромгоҳда соғломлаштирилди. Аъзолик бадаллари ҳисобидан 37, ижтимоий суғурта маблағидан эса 17 нафар ходимга йўлланма ажратилди.

— Тармоқ касаба уюшмаси туман кенгашидан миннатдорман, — дейди 102-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Дилфуза Исмоилова. — Тез-тез ҳуқуқий маслаҳат сўраб, мурожаат этиб тураман. Июл ойида Тошкент вилоятида жойлашган баҳаво «Оқтош» санаторийсида дам олдим. У ердаги физиотерапик муолажалар туфайли саломатлигим яхшиланди. Дам олиш чоғида бир неча бор саёҳатга чиққанлигимиз эса дунёқарашимизни кенгайтирди.

— Сўнгги йилларда ходимларни тарихий шаҳарларга саёҳатга олиб боришга катта эътибор берилмоқда, — деди тармоқ касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Саъдулло Абдуллаев. — Март-август

ойларида 220 нафар педагогнинг Самарқанд шаҳрига саёҳати уюштирилди. Яқин кунларда яна 50 нафар ходимни зиёратга олиб бориш режалаштирилган.

— Ишловчилар манфаатларини таъминлашда касаба уюшмаларининг роли ошиб бораётир, — дейди Шаҳрисабз агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежи касабақўм етакчиси Илҳом Қурбонов. — Мисол учун, ходимларимиздан Акрам Бегалиев «Қашқадарё соҳили», Зайниддин Одилов «Чинобод», Бахтиёр Хўжақулов «Ботаника» каби сиҳатгоҳларда ҳордиқ чиқарди. Спортсевар ўқитувчилар эса бир неча бор тармоқ спартакиадасида қатнашиб, совриндорлар сафидан жой олишди.

Саъдулло Абдуллаевнинг қайд этишича, спорт ишлари устувор йўналишлардан бирига айланган. Жумладан, яқинда «Соғлом оила» шиори остида спартакиада ғолиблари аниқланди. Баҳсларнинг туман босқичида 10 та оилавий жамоа орасида зафар қучган Дилмурод Нуриддинов ва Ботиржон Умаров оилалари вилоят миқёсида учинчи ўриндан жой олишди.

Шунингдек, давлатимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб хотин-қизлар ўртасида шашка, шахмат, стол тенниси ва волейбол бўйича баҳслар ташкил қилинди. 240 нафар ходим қатнашган мусобақа ғолиб ва совриндорлари туман кенгашининг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди. Қолаверса, 15- ва 16-махсус мактаб-интернат ўқувчиларининг 40 нафарига спорт либослари ҳадя этилди.

Ёш авлодга ғамхўрлик, ижтимоий ҳимоя тадбирларини янада кучайтириш ишлари давлат дастурига кўра амалга оширилмоқда. Яъни, 52 нафар касб-ҳунар коллежи ўқувчисига энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида моддий ёрдам ажратилган бўлса, 120 нафар бошланғич синф ўқувчисига инглиз тили луғат китоби, 60 нафар эҳтиёжманд оила фарзандларига ўқув қуроллари олиб берилди. Бундан ташқари, 100 нафардан ошиқ ходим аризасига кўра моддий ёрдам олди. Эҳтиёжманд оила вакилларидан уч нафарига туман кенгаши томонидан кир ювиш машиналари совға қилинди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Туҳфа

«Самарқандкимё» ОАЖда болажонларни хурсанд қилиш, уларнинг ўқиб-ўрганишлари учун кенг имконият яратиб беришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

БОЛАЖОНЛАР МАМНУН

Куни кеча яна бир хайрли ишга қўл урилди. Корхона касаба уюшма қўмитаси томонидан ходимларнинг 1-синфга борадиган фарзандларига 1,5 млн. сўмлик «Болажонлар учун инглиз тилини ўрганиш» китоби ва ўқув қуроллари жамланмаси харид қилиниб, цех ва бўлим бошлиқлари тавсияси асосида тузилган рўйхат бўйича ходимларга тарқатилди.

А.ГАЙНАЗАРОВ,
Кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бош юристконсулти

■ Давра суҳбати

Юртимизда тиббий-ижтимоий жабҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар инсон манфаатларини таъминлаш, халқимиз саломатлигини муҳофаза қилиш соғлом ва баркамол авлодни камолга етказишда муҳим омил бўлаётир. Бу соҳадаги фаолиятни ташкил этишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилган бўлиб, «Соғлом она – соғлом бола» миллий модели ҳаётга самарали татбиқ этилмоқда. Ҳудудлардаги замонавий тиббиёт муассасалари томонидан аҳолининг барча қатламига жаҳон андозалари даражасида тиббий-профилактика ёрдами кўрсатилянти.

Кун мавзуси — репродуктив саломатлик

Президентимизнинг 2014 йил 1 августдаги «2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг қўшма дастури ҳамда Хотин-қизлар қўмитасининг давлат ва нодавлат тармоқлар билан ҳамкорлик дастури қарор ижросини таъминлашга қаратилган бўлиб, уларда аҳолига кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ёрдамни янада ривожлантириш, она ва бола саломатлигини муҳофазалаш, оилаларда тиббий маданиятни юксалтириш каби қатор устувор масалалар қамраб олинган.

Хотин-қизлар қўмитасида ўтказилган давра суҳбатида ана шулар хусусида сўз борди. Унда тиббий-илмий марказлар вакиллари, давлат ва жамоат ташкилотлари масъул ходимлари, олимлар ва мутахассислар иштирок этди.

Анжуманда сўз олган Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Л.Тўйчиев, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари Г.Алимова, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова ва бошқалар мамлакатимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар, болалар, ўсмирларнинг саломатлигини асраш, оила ва жамиятда соғлом турмуш тарзини юксалтириш борасидаги хайрли ишларни алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Шунингдек, мамлакатимиздаги тиббий-ижтимоий ислоҳотларда жамоат ташкилотлари, хусусан, Хотин-қизлар қўмитасининг фаол иштирок этаётгани қайд этилди. Мисол учун, «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фонди билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳа доирасида юртимизнинг чекка қишлоқ ва маҳаллаларида яшовчи ўн беш мингдан ортиқ оиланинг ижтимоий шароити, психологик муҳит ва болалар саломатлиги кўрсаткичи ўрганилди. Бир юз ўттиз саккиз минг нафардан зиёд аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Никоҳланувчи ёшлар ўртасида тиббий кўрикнинг аҳамиятини тарғиб этиш борасида кўплаб тадбирлар, оммавий ахборот воситаларида мутахассисларнинг чиқишлари уюштирилди. Маҳаллаларда оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктлари ҳамкорлигида саломатлик гуруҳлари, мактаб, коллежларда «Ораста қизлар» тўгараклари ташкил этилган.

Давра суҳбатида галдаги вазифалар юзасидан ҳам фикр алмашилди ва ҳамкорлик йўналишлари белгилаб олинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Нодира РЎЗИЕВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факултети талабаси

■ Ободлик

Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан ташкил этилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркаси самарқандликларга жуда манзур бўлди.

ЗАМИН САХОВАТИ

Аҳолини арзон ва сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш, танлаш имкониятини кенгайтиришни мақсад қилган мазкур ярмаркалар туфайли савдо масканлари янада файзли тус олди. Шаҳарнинг «Сиёб», «Дамарик», «Мармар» ҳамда «Темирйўл» деҳқон бозорлари, Сўғдиёна, Сартепа массивлари, Фарҳод ва Кимёгарлар шаҳарчалари ҳудудларида фаолият кўрсатаётган ярмаркаларда бозор нархидан 20 фоиз арзонлаштирилган маҳсулотлар савдога қўйилаётир.

— «Мармар» бозорига ёндош маҳаллада истиқомат қиламан, — дейди Малика Тўқсонова. — Бу ерда ташкил этилган савдо ярмаркаси бизга жуда маъқул бўлди. Сархил сабзавот ва полиз маҳсулотлари сифат жиҳатидан бозордагидан устун, анча арзон.

Ярмаркада барча туман ва озиқ овқат маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари фаол иштирок этмоқда. Биргина Пайариқ туманидан ярмаркаларга ҳар куни ўн тўрт турдаги сархил маҳсулотлар етказиб берилмоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

■ Истиқлол берган имконият

Сифатли, бежирим ва ҳамёнбоп

маҳсулотларга хорижда ҳам харидорлар бисёр

Андижон туманидаги «RUBBER TRUST SHOES» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган пойабзаллар тури 50 турга етди. Корхона жамоаси йилнинг ўтган даврида хорижга қарийб 2 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилишга муваффақ бўлди.

Янгиликка интилиш, бозор муносабатлари ҳамда талаб ва таклифни ўрганиб бориш тадбиркор учун ҳар жабҳада ишнинг кўзини очади. Айтиш жоизки, жамият раҳбари Абдуҳошим Исмоилов бу борада ўз қарашларига, аниқ ҳисоб-китобга эга. Шу боис ҳам Россия, Хитой ҳамда Тайвандан келтирилган замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган корхонада ишлаб чиқариш кўлами кенгайиб, маҳсулотлар ички ва ташқи бозорда ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда.

— Бу ерда жами 640 нафар ишчи-ходим фаолият кўрсатаётир, — дейди тажрибали ишчи Ёдгорбек Бувабеков. — Ижтимоий ҳимоя, меҳнат муҳофазаси ҳамда маданий ҳордиқ учун қулай шароитлар яратилган. Жумладан, яқинда 20 нафар ҳамкасбим қатори мен ҳам санаторийда саломатлигимни (бепул) тиклаб қайтдим. Бундай эътибор ишга бўлган муносабатимизни, масъулиятимизни янада оширяпти.

Манфаат бор жойда, албатта, муваффақият бўлади. Корхона ҳисобидан ходимларнинг ишга келиб-кетишлари учун автобус қатнови, махсус кийим-бош, қолипли ва оби нон, тушлик учун иссиқ овқат, сут маҳсулотлари таъминоти йўлга қўйилган. Уларнинг саломатлиги бирламчи тиббиёт шохобчасида икки нафар малакали мутахассис томонидан мунтазам назорат қилиб борилади. Замонавий жиҳозлар билан жиҳозланган дам олиш хоналари, кутубхона ишчилар хизматида. Яқинда корхона ҳудудида ёпиқ типдаги спорт зали қурилиб, фойдаланишга топширилди. Энди меҳнаткашлар ишдан бўш вақтларида футбол, волейбол, баскетбол, теннис, шахмат-шашка сингари спорт турлари билан бемалол шуғулланишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган «Ташаббус — 2013» кўрик-танловининг республика босқичида «Йилнинг энг яхши тадбиркори» дея эътироф этилган Абдуҳошим Исмоилов етакчилик қилаётган масканда айни палла ҳаёт қайнаяпти. Истиқлолимизнинг 23 йиллик тўйини улкан меҳнат ютуқлари билан қарши олган корхона жамоаси пойабзаллар тури ва сифатини янада ошириш ниятида.

Нурилло НЎЪМОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Суратларда: *корхона фаолиятидан лавҳалар.*

Рустамжон ЭШОНОВ олган суратлар

Реклама ва эълонлар

Диққат! Диққат! Диққат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан ,чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Фарғона вилоят филиали бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади.

Фарғона вилояти, Бешариқ тумани, Янги ҳаёт М.Ф.Й., Олтин водий кўчасида жойлашган, «Рапқон» нефт базасини бино ва иншоотлари.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи:

Амалда фойдаланилаётган ер майдони: 30 812,44 кв.м;

Қурилиш эгаллаган майдони: 9 615,38 кв.м.;

Бошланғич нархи — 1 781 805 617 сўм;

Балансда сақловчи: «Қўқон нефт базаси» УК.

Фаолияти ихтисоси: Нефт маҳсулотлари билан таъминлаш ва ишлаб чиқариш.

Савдо ташкилотчиси: «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Фарғона вилояти филиали, Фарғона ш., Б.Марғиноний кўчаси, 35-уй, «Биржа» биноси, 12-хона. Тел: (8 373) 244-46-39. Факс: (8 373) 244-46-22. веб сайт; www.1kms.uz. электрон почта манзили: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2014 йил 7 октябр куни соат 10.00 да ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 22 октябр, 29 октябр ва 5 ноябр кунлари соат 10.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси («Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Фарғона вилоят филиали)нинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АТ «Халқ банки» Фарғона вилоят филиали, х/р: 20208000004920609011. МФО: 00497, СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Фарғона ш., Б.Марғиноний кўчаси, 35-уй.

Маълумотлар учун телефон: (8 373) 244-46-39. Факс: (8 373) 244-46-22.

Электрон почта манзили: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли «Ишонч телефони»га зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ўрнида

Qishloq Qurilish Bank

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ҳамда фаолиятини ривожлантириш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан биридир. Уларнинг ривожи иқтисодиётимиз тараққиётини жадаллаштириш ва аҳоли турмуш даражасини янада оширишга хизмат қилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари мамлакатимиз иқтисодиётининг таянчига айланаётган бир пайтда, тижорат банклари тадбиркорлик субъектларининг ҳақиқий ҳамкори бўлаётгани диққатга сазовордир.

«Қишлоқ қурилиш банк» — синалган ҳамкор

Ушбу имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда «Оқ тулпор» масъулияти чекланган жамияти бугун аҳолига намунали транспорт хизматини кўрсатиб келмоқда.

Юртимизда банк соҳаси қатъий тизим асосида ишлаётганлиги туфайли мазкур молия муассасаларининг ресурс базалари мустаҳкамланиб бормоқда ва бу, ўз навбатида, тадбиркорликка қанот бўлиш учун замин яратаётир. Тижорат банклари томонидан биз, тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатилаётгани ишимиз ривожига хизмат қилмоқда.

Ёшлигимдан ўз бизнесимга эга бўлишни орзу қилар эдим. Орзуимни амалга оширишда АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Оҳангарон филиали яқиндан ёрдам берди. Шуни айтиб ўтишим жоизки, банк билан неча йиллардан бери яқин ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. Ҳамкорликда амалга оширилган лойиҳаларимиз натижасида бугун туманимиз аҳолисининг узоғи яқин бўлди, яъни турли йўналишларда автобуслар қатнови йўлга қўйилди. Энг муҳими, туманимиз ёшлари доимий иш билан таъминланди.

Бу йил ҳам мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда, юртимизда ишлаб чиқарилаётган 10 та «ISUZU» автобусларини сотиб олиш мақсадида банкка мурожаат қилдик. Банк бизнинг бизнес-режамизни ўрганиб чиқиб, тегишли қарор қабул қилди ва қисқа фурсатда 689,9 млн. сўм миқдорида кредит ажратди. Ушбу маблағ эвазига автобуслар сотиб олиниб, бирма-бир турли йўналишлар бўйича ишга туширилмоқда. Янги манзиллар сари йўлга қўйилаётган қатновлар нафақат аҳолини, балки жамиятимиз аъзоларини ҳам руҳлантирмоқда. Чунки, автобус қатновининг ишга туширилиши ҳар куни ишга ҳамда ўқишга қатнайдиган ёшу қарига қулайлик яратиш билан бирга, вақтнинг тежалишига сабаб бўлмоқда. Ушбу лойиҳанинг яна бир муҳим жиҳати — 20 нафар янги иш ўрни яратилаётганидир. Мазкур иш ўринларига ёш ҳамда малакали мутахассисларни жалб қилмоқдамиз.

Бундан буён ҳам АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Оҳангарон филиали билан ҳамкорликда ишлаб, жамиятимиз фаолиятини кенгайтиришни мақсад қилганмиз.



Алишер АКРАМОВ,
Тошкент вилояти, Оҳангарон туманидаги «Оқ тулпор» МЧЖ раҳбари

Қашқадарё вилояти Қарши туманининг «Шойхўжа» маҳалласида яшовчи ўғил-қизлар янги ўқув йилини янги бинода бошлашди.

ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИ АСОСИДА

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Инвестиция дастури тўғрисида»ги Қарори асосида қад ростлаган ушбу 21-мактаб 240 ўринга мўлжалланган. Таълим муассасасида ўқувчиларнинг пухта билим олиши, спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча шароитлар яратилган. Хусусан, физика, кимё-биология лабораториялари, фан хоналари тегишли кўргазмали ва мултимедиа воситалари билан жиҳозланган. Энг замонавий инвентарлар билан таъминланган спорт залида йилнинг исталган фаслида спортнинг бир неча тури билан шуғулланиш имконияти мавжуд.

Янги мактаб синфхоналарида илк машғулот — «Мустақиллик дарслари»да Президентимизнинг жорий йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи мазмун-моҳияти, таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, мактаблар моддий-техник базасини, уларда яратилган шарт-шароитларни янада яхшилаш бўйича қилинаётган ишлар ҳақида сўз юритилди.

Ў.БАРОТОВ,
ЎзА мухбири

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Фарғона вилоят филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога «VODIYNEFTGAZISHCHITA'MINOTI» акциядорлик жамияти бошқарувининг 2014 йил 3 сентябрдаги 112-сонли алоқа хатига асосан жамиятнинг «Машъал» шўъба корхонаси балансидаги Бағдод тумани, Бағдод ШФЙ, Э.Усмонходжаев кўчасида жойлашган, умумий майдони 3 551,13 кв.м., фойдали майдони 7,0 кв.м. бино ва иншоотлар қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 13 117 901 сўм.

Савдо 2014 йил 7 октябр куни соат 10-00 да ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 6 октябр, соат 17:00.

Аукцион савдосига қўйилган бино-иншоотлар билан «VODIYNEFTGAZISHCHITA'MINOTI» ОАЖ «Маъшал» шўъба корхонаси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 8-373-244-46-39 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

Талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Савдо ташкилотчиси» «КМСХ» МЧЖ Фарғона вилоят филиалининг «Халқ банки» Фарғона вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО: 00497, СТИР: 207122519, х/р: 20208000004920609011.

Савдо ўтказиладиган манзил: Фарғона ш., Б.Марғиноний кўчаси, 35-уй. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия RR-0001.

Андижон вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси Бирлашма кенгашининг юридик бўлими мудири Ҳабибулло Усмоновга онаси **АРЗИХОН** аянинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

«БАХТ УЙИ» — ЯНГИ БИНОДА

Қарши шаҳрида қурилиш архитектураси жиҳатидан замонавий ва миллий меъморий ечимга эга «Бахт уйи» — фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими (ФҲДЁ)нинг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Янги «Бахт уйи»нинг очилиш маросимида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар жараёнида барча соҳалар, тизим ва тузилмалар, хусусан, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа ходимларининг самарали меҳнат қилиши учун зарур ва қулай шароитлар яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

— Қарийб 2,5 миллиард сўм сарфланган янги бинода маросимлар зали, туғилиш ва никоҳни қайд этиш, банк бўлими, нотариус хизмати ва бошқа хоналар мавжуд, — дейди Қарши шаҳар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими бошлиғи Насиба Эшонқулова. — Давлатимиз томонидан яратиб берилган қулай шароитлар бизни янада фаол бўлишга, ишимиз сифати ва самарадорлигини оширишга ундайди.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими биноси қурилиши муносабати билан унинг атрофида ҳам бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, иккита рангли фаввора, автомобиллар тўхташ жойи, тунги ёритиш тизими ўрнатилган йўлаклар барпо этилди.

Тадбир доирасида 23 жуфт келин-куёвга никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома топширилди.

Тадбирда Қашқадарё вилояти ҳокими З.Рўзиев сўзга чиқди.

Ў.БАРОТОВ,
ЎзА мухбири.

Суратда: *Қарши шаҳрида фойдаланишга топширилган «Бахт уйи»да.*

ЎзА фотомухбири Жамшид НОРҚОБИЛОВ олган сурат

Сулола

Инсон дунёга келиб ўз «мен»ини англагани сайин наслнасаби билан боғлиқ масалаларга ҳам қизиқиб боради. Оиласининг ўтмиши, аждодларининг ким бўлганлиги, улар нима ишлар қилгани, қандай касб-кор билан шуғулланганн ҳақида кенгроқ маълумот олишга интилади. Бу маълумот унга ўзини ва ўзлигини тезроқ англаб олиши баробарида аждодлар билими ва тажрибасига таяниб, уларнинг ишларини самарали давом эттиришда жуда қўл келиши мумкин.

«Ота касбимни танлайман»

«Насл» ва «насаб» деган сўзлар ўртасида қандайдир илоҳий бирлик бордек туюлади. Дарҳақиқат, инсоннинг дунёга келиши Аллоҳнинг қудрати ва мўъжизаси. Қачонки, инсон Ватани, оиласи тарихини чуқур билса, қандай буюк аждодлар авлоди эканини ҳис этса, юрагида шу оила, шу юрт, шу миллат фарзанди эканидан ғурурланиш туйғуси шаклланиб, мустаҳкамланиб боради. Бу унда аждодларига, эл-юртига муносиб бўлиш ҳиссини тарбиялайди.

Агар киши ўз севган касбида ишлаётган бўлса, ҳеч қачон нолимайди. Ўз севган касби билан шуғулланиш кишига завқ, кўтаринки кайфият, шижоат, рағбат ҳамда маънавий озуқа беради. Ўзи ёқтирган ишни қилаётган киши вақт ўтиб кетганлигини ҳам сезмайди. Сидқидилдан бажарган ишидан барака топади.

Ёшларнинг мустақил фикрлаши, ижодкорлиги, фаоллигида муҳитнинг таъсири алоҳида. Олайлик, ота ёки онанинг қайси касбда эканлиги фарзандларга ҳам таъсир ўтказади. Мисол учун, бир журналист танишимнинг айтишича, ўғли ҳар куни газета варақлашни одат қилган экан. Демакки, бу болани шу касбга йўналтириш унчалик қийин кечмайди. Фарзандларимизни касбга йўллашда «ота касб» анъанасини давом эттириш қанчалик тўғри ёки... Бу жараёнда ўсмирнинг касбий билим, сифат, хабардорлик ва ўзини-ўзи такомиллаштириши каби хусусиятларини инобатга олган маъқул.

Оилада фарзандларни касбга йўналтиришда, хусусан, «ота касб»нинг сир-асрорларидан хабардор қилишда, уларда касбий хабардорликни шакллантиришда қуйидаги мазмундаги ишларни амалга ошириш мумкин:

- оилада фарзандларнинг интеллектуал, ҳиссий, жисмоний, ахлоқий ва руҳий хусусиятларини ривожлантиришда ва касбий билимларга эга бўлишида назарий билим ва амалий фаолиятга ундовчи маълумотларни бериш, хорижий тилларни ўзлаштиришларига имконият яратиш;

- оилада «ота касб» туфайли юзага келаётган иқтисодий фаровонликни таҳлил қилиш ҳамда у орқали ҳаракатчанлик ва касбий фаолиятига мослашувчанлик малакаларини шакллантириш;

-жамият тараққиётига кўра, меҳнат бозорида мутахассислар малакасига қўйилаётган талаблар ҳақида оилавий суҳбатлар олиб бориш;

-болаларда меҳнатсеварлик, қизиқувчанлик, интизомлилик, ташаббускорлик, ижодий фикрлаш ва ташкилотчилик сифатларини шакллантириш;

-болаларга ҳаётда ўзининг ўрнини топиши учун зарур бўлган билим ва фаолият тажрибасини ўзлаштириш муҳимлигини атрофдаги мисоллар ёрдамида тушунтириш.

Агарда бола «ота касб»ни эгаллашга қарор қилган бўлса, касбий маҳоратни эгаллаган сулола вакиллари билан амалий ва ижодий ҳамкорлик ўрнатишнинг аҳамияти катта.

Шунингдек, бўлажак «ота касб» эгаларида касбий маҳоратни шакллантиришда «оилавий шажара» ва «оилавий мерос» омилларидан муносиб фойдаланиш самарали метод саналади. Бу жараёнда бўлғуси замонавий мутахассис ўз касбий фаолияти соҳасидаги янгиликларни эгаллаб боради ва истиқболда шунга қараб режалар тузади. Шунингдек, бу усул орқали ёшларда касбий маҳорат, соҳага йўналтириш ва тайёрлашда касб эгаларига нисбатан ҳурмат ҳисси шакллана-ди.

Бўлажак ёш мутахассисларнинг касбий маҳорати шакллашишига янада кўпроқ эътибор қаратиш, уларни кейинчалик ўзи севиб танлаган касбда сидқидилдан ишлаши учун «ота касб»нинг қийинчилиги ва завқли томонларини тушунтириб бориш ҳам фойдадан ҳоли эмас. Агарда болада ижтимоий-психологик меросхўрликка садоқат руҳи уйғонган бўлса, хусусан, «мен ўқитувчилар ёки шифокорлар сулоласиданман» деган фикр шаклланган бўлса, уни кичкиналигидан шу касбнинг амалий жараёнлари билан таништириб бориш муҳим.

Келинг, ота ва фарзанд касби узвийлигини ҳаётий мисоллар исботида таҳлил қиламиз. Таниқли адабиётшунос олим, кўплаб шогирдлар етиштирган, ўзбек ва жаҳон адабиётини чуқур таҳлил қилган инсон Озод Шарафиддинов ва ўз амалий касбини ота изидан олиб борган олима Муҳаббат Шарафиддиновалар ҳаёт йўлига назар соламиз. Муҳаббат опа Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов фаолиятини давом эттиришга ҳаракат қилган севимли қиз ва матонатли шогирд эди. Бу икки буюк қалб эгасининг мазмунли ҳаёт йўли ҳақида шогирдларидан бири шундай хотирлайди:

Буюк адабиёт намояндаси, таржимон, адабий танқидчи, устоз домланинг янги тандирдан узилган нондай азиз ва қайноқ адабий таъмни ўзида мужассам этган «Домлалар» китоби тақдимоти биринчи бўлиб Қарши шаҳрида ўтказилди. Кечага домланинг суюкли қизи Муҳаббат Шарафиддинова ва куёви, тарих фанлари номзоди Ф.Эргашев ташриф буюрди. Муҳаббат опа отаси ҳақида тўлқинланиб, ёниб гапирди. «Отам бўш вақтлари ерда ишлашни яхши кўрардилар. Кўчат экардилар, ерни юмшатар, меҳр билан парваришлардилар. То умрларининг охиригача ижоддан тўхтамадилар», деди. Ана шунда ота ва қизнинг бир касб ортидан каттагина шараф ва шон топганликларининг гувоҳи бўлдим. Бу икки азиз инсоннинг ҳаёт йўлларини ва эзгу ишларини авлодлари давом эттираётгани янада ибратлидир.

Ҳа, ҳар бир ота-онанинг вазифаси мустақил юртга муносиб баркамол ёшларни воя-га етказишдир. Муҳими, улар ота касбини танлайдими ёки бошқа соҳаними, ўз касбига фидокорлик, садоқат ва ишонч баробарида бу касбнинг нечоғлик юксак ва қадрлилигини ҳам англасин. Зеро, устозлардан олинган ўгитларига суяниб яшамоқлик Бахти ҳар бир шогирдга мушарраф бўлсин.

А. РУСТАМОВ,
тиббиёт фанлари номзоди
С.РУСТАМОВА,
Тошкент тиббиёт академияси ўқитувчиси

Китоб жавонингизга

ШАКЛЛАНИШ, РИВОЖЛАНИШ ВА ИСТИҚБОЛ

Юртимизда кечаётган ҳуқуқий демократик давлат ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисоди ҳаёт тарзимизга ўз тузатишларини киритди, фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида демократик тартибот, барқарор ривожланишга эътибор кучайтирилди.

Ижтимоий ҳамкорлик ғояси жамият ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, маънавий соҳаларини қамраб олиб, фуқаролик жамиятига хос муносабатларни шакллантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Шу маънода у ислоҳотлар стратегиясининг йўналишларидан бири сифатида давлат ва жамият ҳаётида, ижтимоий муносабатлар тизимида алоҳида ўрин тутади. Мазкур монографияда ижтимоий ҳамкорлик тушунчаси, унинг механизми, амал қилиш қоидалари, бугунги кунда ҳаётга татбиқ этилиши ва ривожланиш истиқболлари таҳлил қилинади.

Фуқароларнинг меҳнат ва ижод жараёнида қобилиятини намоён қилиши, саъй-ҳаракатлари натижасидан баҳраманд бўлиши, яъни ҳалол ва қонуний даромад топиб, фаровон ҳаёт кечириши учун мамлакатимизда барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Тошпўлат Матибоевнинг ушбу монографияси шу соҳага қизиқувчи мутахассислар ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Ўз мухбиримиз

Мулоҳаза

Тонгда кўчага чиқдим. Автобус кутиб турганимда бекатда икки йигитнинг бир-бири билан бош уриштириб, камига ўпишиб кўришаётганига кўзим тушди...

САЛОМ ФАҚАТ ТАНИШЛАРГА БЕРИЛАДИМИ?!

«Ассалому алайкум» сўзи арабча бўлиб, сизга тинчлик, саломатлик тилайман, бунга жавобан айтилган «ваалайкум ассалом» эса сизга ҳам тинчлик, омонлик тилайман, деганидир.

Юртимизда аёллар қучоқлашиб, елкага қоқиб, тирсагини ушлаб кўришади ва бу деярли барча жойда учрайди. Эркаклар эса одатда қўлларини маҳкам сиқиб саломлашишади. Аммо ҳозирда ёшлар ўртасида саломлашишнинг антиқа кўринишлари урфга айланиб бормоқда. Бош уриштириш, елка уриштириш ва ҳатто оёқларни ишлатиб, саломлашиш одат тусига кираётир. Ҳайратланарлиси, йигитлар ўпишиб кўришишни замонавийлик, деб қабул қилмоқда.

Яна бир иллат бу айрим ёшларнинг ўзидан катталарга салом бермай қўйганлигидир. Бе-ихтиёр ўйлаб қоласан: салом фақат танишларга бериладими?!

Боболаримиздан мерос бўлиб келаётган миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, келгуси авлодга етказиш биз, ёшлар учун ҳам қарз, ҳам фарз эканлигини асло ёдимиздан чиқармаслигимиз лозим.

Гулноза МИРЗАЕВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Дзюдо

Жаҳон чемпиони, Олимпия ўйинлари кумуш медали совриндори Абдулла Тангриев Магнитогорск (Россия)да ўтказилган Харис Юсупов хотира турнирида зафар қучди.

Абдулла қайтди

Мутлақ вазнда иштирок этган полвонимиз финал баҳсида ушбу вазн тоифасида дунё рейтингида етакчилик қилаётган Рафаэл Силва (Бразилия)ни мағлубиятга учратди.

— Бу турнирда ғалаба қозонганимдан хурсандман. Икки йил давомида мусобақаларда иштирок эта олмадим. Татамини, мухлислар олқишини жуда соғингандим, — деди Абдулла Тангриев ОАВ вакилларига берган интервюсида.

Футбол

Ҳадемай Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида XVII Осиё ўйинлари бошланади. Ўзбекистон миллий терма жамоаси мазкур мусобақага пухта тайёргарлик кўриш мақсадида Иордания терма жамоаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказди.

Жанг олдидан машқ

Муросасиз кечган қарама-қаршиликнинг 57-дақиқасидагина вакилларимиз рақиб дарвозасига йўл топа олишди. Гол муаллифи — Игор Сергеев. Учрашувга қўшиб берилган дақиқаларда яна бир ёш футболчимиз Дилшод Жўраев ўзини кўрсатди. Ҳисоб — 2:0.

— Албатта, натижадан қониқдик. Ўйинда хатолар ҳам бўлди. Уларни бартараф этишга ҳаракат қиламиз. Асосий мақсадимиз — Осиё ўйинларида муносиб иштирок этиш, — деди терма жамоамиз бош мураббийи Миржалол Қосимов ўйиндан кейинги матбуот анжуманида.

Энди вакилларимиз 8 сентябр куни Янги Зеландия футболчиларига қарши ўртоқлик учрашувини ўтказади.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

ЖАЖЖИ ИҚТИДОР ЭГАЛАРИ

Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 13-мактабгача таълим муассасасида қиркдан зиёд ўғил-қиз тарбияланмоқда.

Педагог-тарбиячилар болажонларнинг бошланғич билим ва кўникмасини бойитиш, уларда замонавий дунёқарашни шакллантириш, мурғак қалбларида эзгулик туйғуларини камол топтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу ерда инглиз тилини интерфаол усулларда чуқур ўргатиш йўлга қўйилган бўлиб, санъат ва спорт йўналишидаги тўгараклар ҳам болаларнинг иқтидорини рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда.

Суратда: Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 13-мактабгача таълим муассасасида.

ЎзА фотомухбири Тоҳир ИСТАТОВ олган сурат

Момолар дейдиларки...

ЧАҚАЛОҚЛИ ХОНАДОН

Чиллали чақалоқ хонасида ҳам худди янги келин-куёвлик давридаги каби тунлари чироқ ёниқ турсин.

* * *

Ота-оналаримиз ёки бирор табаррук кишининг исмини болаларимизга қўйганимизда, уларни сизламоққа ўрганишимиз керак.

* * *

Болани эмизишдан олдин покланиб олиш ёдингиздан чиқмасин. Либосингиз ва танангизни ҳамиша озода тутинг.

* * *

Эмизикли аёл олдида овоз баланд кўтарилмайди, акс ҳолда унинг сути қочади, дейдилар.

* * *

Гўдакнинг кийимларини алоҳида тоғорада ювиш, унга бошқа либосларни қўшиб қўйиш, чақалоқнинг ювилиши лозим бўлган кийимларини узоқ вақт тоғорада қолдириш ёҳуд унга ўзгаларнинг кўзи тушишидан сақланинг. Ота-боболаримиз амал қилиб келган бу одатлар замирида улуғ ҳикмат бор.

* * *

Боланинг сочи, тирноғини олганда эҳтиёт бўлинг. Кексалар гўдак сочини гул тагига, олинган тирноқларни эса тоза жойга кўмиш лозим, деб насиҳат қиладилар.

* * *

Онанинг эҳтиётсизлиги туфайли куйиб қолган болада волидасининг ҳаққи қолмайди, деб огоҳлантиради кайвони онахонларимиз. Шунинг учун иссиқ чой, чойнак-пиёла ва овқат солинган бошқа идишларни болалардан нарироқ тутишга одатланинг.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: A.Arslonov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti -20.50
Topshirildi -21.20

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 915 | 13969 nusxada bosildi | 1 3 4 5